КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 133 (8873). • 1986 йил 8 июль, сешанба • Баҳоси 3 тийин.


# Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССРни ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986—1990 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

**1-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тақдим этилган, беш йиллик йиллари, Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри бўйича батафсил баён қилинган, КПСС XXVII съезди қарорларига ҳамда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат плани тасдиқлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат планининг қуйидаги асосий кўрсаткичлари белгилансин:

(1985 йилга нисбатан процент ҳисобида)

| | 1986 йил | 1987 йил | 1988 йил | 1989 йил | 1990 йил |
|---|---|---|---|---|---|
| Ҳосил қилинган миллий даромад | 105,0 | 110,7 | 115,4 | 120,4 | 127 |
| Саноат маҳсулоти — жами | 104,8 | 109,4 | 114,9 | 120,8 | 128 |
| шу жумладан: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш | 104,8 | 109,3 | 114,3 | 119,5 | 125 |
| истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш | 104,9 | 110,0 | 116,5 | 124,6 | 136,8 |
| Республика хўжаликлари ҳамда иттифоқ-республика министрликлари ва идоралари бўйича давлат томонидан марказлаштирилган тартибда капитал маблағлар | 109,3 | 112,6 | 116,6 | 123,1 | 125,1 |
| Меҳнат унумдорлиги: саноатда*) | 103,0 | 106,3 | 110,0 | 113,9 | 118 |
| қурилишда*) | 103,0 | 105,5 | 108,2 | 111,0 | 114 |
| Республика қарамоғидаги давлат корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик фаолиятидан олинадиган фойда | 106,1 | 114,1 | 122,3 | 132,2 | 144,7 |
| Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар | 101,1 | 102,6 | 104,3 | 106,0 | 108,0 |
| Давлат ва кооператив савдоси чакана товар обороти (алкоголли ичимликларни сотиш бу ҳисобга кирмайди) | 107,4 | 115,3 | 121,0 | 126,8 | 133,4 |

1986—1990 йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ҳажми аввалги беш йилликдагига нисбатан 16 процент кўпайтирилсин. Қишлоқ хўжалигининг ижтимоий секторида меҳнат унумдорлигининг ўртача йиллик даражаси беш йиллик мобайнида 14 процент оширилсин.

**3-модда.** Социал тараққиёт ва халқ фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXVII съездида қабул қилинган программани бажариш мақсадида ўн иккинчи беш йилликда:

ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 10,3 процент, жамоат хўжалигида колхозчиларнинг меҳнат ҳақи 14 процент ошиши таъминлансин;

ижтимоий истеъмол фондларини 22,5 процент ошириш, ишлаб чиқариш ва социал-демография проблемаларини ҳал қилишда уларнинг ролини кучайтириш таъминлансин;

аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажми 1,7 баравар кўпайиши таъминлансин;

умумий саҳни 34,5 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жойлар қуриб, фойдаланишга топширилиши таъминлансин. Уй-жой қурилиши сифати оширилсин, аҳолининг уй-жой шароитлари яхшилансин.

КПСС XXVII съезди томонидан тасдиқланган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига мувофиқ ўн иккинчи беш йилликда халқнинг турмуш даражасини юксалтириш тадбирлари амалга оширилсин, шу жумладан:

халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида босқичма-босқич, зарур шарт-шароитлар яратилишига ва ресурслар ахтариб топилишига қараб, асосан бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ишчи ҳамда хизматчиларнинг тариф ставкалари ва мансаб окладлари оширилсин;

ўқитувчилар ва халқ маорифидаги бошқа ходимларнинг иш ҳақини ошириш юзасидан ўн биринчи беш йилликда бошланган тадбирларни ўтказиш тугаллансин;

соғлиқни сақлаш, маданият ва олий мактаб ходимларининг иш ҳақлари босқичма-босқич ошрила бошлансин;

илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик, технология ва лойиҳа ташкилотлари ходимлари иш ҳақининг янги техникани ва илғор технологияни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишдан олинадиган самарага боғлиқлиги кучайтирилсин;

аввало машинасозликда иккинчи ва учинчи сменаларда ишловчи ишчи ва хизматчиларни моддий рағбатлантириш кучайтирилсин, корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан бу ходимларга имтиёз ва афзалликлар бериш кенгайтирилсин;

ойига 80 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқлар бекор қилинсин ва ойига 80 сўмдан 100 сўмгача иш ҳақидан олинадиган солиқлар камайтирилсин;

ёш болали оналарга болани тарбиялаш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуска муддати боласи бир ярим ёшга етгунча узайтирилсин, айни вақтда уларга боласи икки ёшга етгунча ҳақ тўланмайдиган қўшимча отпуска олиш ҳуқуқи берилсин;

ишловчи аёлларнинг туғишдан олдинги отпуска муддати 56 календарь кунидан 70 календарь кунигача ва бемор болани боқиш юзасидан ҳақ тўланадиган отпуска муддати 14 кунгача узайтирилсин;

моддий жиҳатдан кам таъминланган оилаларга нафақа тўлашда нафақа тўланадиган болаларнинг ёши 8 дан 12 ёшга етказилсин;

мактабгача тарбия муассасаларида овқатга қилинадиган харажатларнинг нормалари оширилсин, 3 ёшгача бўлган болалар бепул дори-дармонлар билан таъминланадиган бўлсин;

келин-куёвлар никоҳ рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида кичик оилали гражданлардан олинадиган солиқ бекор қилинсин;

ишчи ва хизматчиларнинг қарилик ҳамда инвалидлик пенсияларининг, боқувчисидан жудо бўлганлик юзасидан тўланадиган пенсияларнинг минимал миқдорлари, шунингдек колхозчиларга илгари тайинланган пенсиялар оширилсин;

қишлоқ жойларда доимий яшайдиган ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган пенсионерлар учун белгиланган нормаларнинг 100 процентн миқдорида пенсия тўлаш жорий қилинсин; болаликдан инвалид бўлганларга тўланадиган нафақалар миқдорини кўпайтириш ва уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари амалга оширилсин;

Улуғ Ватан уруши инвалидларининг госпиталларида, туғруқхоналарда, марказий, шаҳар ва район касалхоналарида овқатлар ва дори-дармонлар билан таъминлаш нормалари, шунингдек амбулатория-поликлиника муассасаларида дори-дармонлар билан таъминлаш нормалари оширилсин;

кексалар ва инвалидлар интернат-уйларида овқатлар, дори-дармонлар ва бошқа эҳтиёжлар учун сарфланадиган харажатларнинг нормалари оширилсин;

давлат ички заёмларининг пулини қайтариш давом эттирилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мазкур чора-тадбирларни СССР Министрлар Совети томонидан белгиланган муддатларда ўтказишни таъминласин.

Меҳнатга ҳақ тўлаш системасининг самарадорлиги оширилсин, ходимларни мукофотлаш миқдорлари уларнинг меҳнат улуши билан пухтароқ боғлансин, текисчилик элементлари қатъиян тугатилсин, ишдаги камчилик ва нуқсонлар учун моддий ҳамда маънавий жавобгарлик кучайтирилсин. Бажариладиган ишларнинг мураккаблиги ва шароитларини ҳисобга олиб, халқ хўжалиги тармоқлари бўйича, шунингдек меҳнаткашларнинг турли категориялари бўйича иш ҳақи миқдорларининг ўзаро нисбати яхшилансин.

Инженерлар меҳнатининг нуфузи оширилсин. Мастерлар, технологлар ва конструкторларнинг роли ҳамда обрў-эътибори кўтарилсин, улар меҳнатини ва ишга ижодий муносабатини моддий ва маънавий рағбатлантириш кучайтирилсин.

Халқ маорифи, маданият, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базаси изчиллик билан ривожланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда аҳолига социал-маданий хизмат кўрсатиш ишининг яхшиланиши таъминлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Қорақалпоғистон АССР, областлар, шаҳарлар ва районларда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган планлари ишлаб чиқилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган беш йиллик планлари тўғрисида қарорлар қабул қилиб, уларда область территориясидаги бутун хўжаликни ривожлантиришнинг энг муҳим кўрсаткичларини ҳисобга олсинлар.

**5-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР министрликлари, давлат комитетлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижрокоми:

а) КПСС XXVII съезди тасдиқлаган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларига ҳамда ушбу Қонунга асосланиб, ҳар бир бирлашма, корхона, ташкилот беш йиллик йиллари бўйича батафсил баён қилинган беш йиллик планларини тузиб чиқишни таъминласинлар;

б) экономикани ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва социал вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни бажариш тадбирларини амалга оширсинлар.

Беш йиллик планни амалга ошириш жараёнида фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш потенциалидан интенсив фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш, ёқилғи, энергия, хом ашё, материалларни оқилона сарфлаш, иккиламчи ресурсларни хўжалик оборотига жалб этиш, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш таъминлансин;

в) ўз қарамоғидаги бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг беш йиллик план топшириқларини бажариши устидан қаттиқ контрол ўрнатсинлар, беш йилликнинг биринчи йилидан бошлабоқ аниқ, тиғиз иш маромини, халқ хўжалигининг барча бўғинларида давлат, план ва меҳнат интизомининг мустаҳкамланишини, социалистик мусобақанинг ҳамма формалари кенг қулоч ёйишини таъминласинлар.

**6-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари хўжаликни бошқариш системасини тубдан қайта қуриш, хўжалик юритиш механизмининг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга таъсирини кучайтириш, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғини иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, меҳнат коллективларининг ташаббуси ва социалистик омилкорлигини ривожлантириш юзасидан КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни бажаришга қаратилган амалий тадбирларни рўёбга чиқарсинлар. Бошқарувнинг иқтисодий методларига қатъият билан ўтиш, хўжалик ҳисобини чуқурлаштириш, ўз-ўзини пул билан таъминлаш принципларини янада кенг қўлланиш асосида бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик мустақиллигини кенгайтириш таъминлансин. Бошқарувнинг ташкилий структуралари изчиллик билан такомиллаштириб борилсин, хўжаликни бошқариш аппаратини соддалаштириш ва арзонлаштиришга эришилсин, айни вақтда мазкур аппарат фаолиятининг самарадорлиги оширилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон ССР Министрлар Советига Ўзбекистон ССР Олий Совети План-бюджет ва бошқа доимий комиссияларининг Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган Давлат планига оид Хулосасида баён этилган таклиф ва мулоҳазаларни, шунингдек Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлисида депутатлар киритган таклиф ва мулоҳазаларни кўриб чиқиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш вазифаси топширилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.**

Тошкент шаҳри, 1986 йил 4 июль.

*) **Республика территорияси бўйича комплекс планда аниқлик киритилади.**

# Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

5 июль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Эрталаб соат 10 да учинчи мажлис очилди.

«Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонунининг қандай бажарилаётганлиги ҳақида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — республика Давлат агросаноат комитетининг раиси **И. Ҳ. Жўрабеков** доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда депутатлардан **А. Ҳабибуллаев** (391-Пахтаобод сайлов округи), **М. В. Алимов** (401-Охунбобоев сайлов округи), **Х.-Г. Тен** (436-«Партия XX съезди» сайлов округи), **В. А. Жонибеков** (52-Красноармейский сайлов округи), Гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш бошқармасининг бошлиғи **Н. Н. Аксарин,** депутатлардан **Ҳ. К. Камолов** (4-Чўпонота сайлов округи), **Б. Асророва** (313-Сиёб сайлов округи) қатнашдилар.

Олий Совет «Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Қонуни қандай бажарилаётганлиги ҳақида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш қандай бораётганлиги тўғрисида депутатларнинг сўрови юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **С. У. Султонова** республика Министрлар Совети номидан ахборот берди.

Бу масала юзасидан Олий Совет тегишли қарор қабул қилди.

Олий Совет баъзи доимий комиссиялар составига ўзгартишлар киритди.

Депутат **В. А. Антонов** Агросаноат комплекси комиссиясининг раиси қилиб сайланди. У План-бюджет комиссиясининг раиси вазифасидан озод этилди. Депутат **Ш. Ҳожимуродов** План-бюджет комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Депутат **А. И. Фозилбеков** Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг раиси қилиб сайланди. У Энергетика комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Депутат **Р. Ҳ. Абдуллаев** Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Депутат **Б. А. Алламуродов** Ёшлар ишлари бўйича комиссиянинг раиси қилиб сайланди.

Депутат **Т. Ф. Қодирова** Хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари комиссиясининг раиси қилиб сайланди. У Халқ маорифи ва маданият комиссиясининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Депутат **Д. А. Усатов** Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **С. И. Стрижнев** Мандат комиссиясининг аъзоси қилиб, депутатлардан **Ю. В. Курочкин** билан **О. Г. Айдаков** План-бюджет комиссиясининг аъзолари қилиб, депутат **Ж. М. Жонибеков** Энергетика комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **Н. И. Гусаков** Агросаноат комплекси комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **Н. Ё. Ғойибов** Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **А. Ғ. Мухторов** Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **А. Маҳмудов** Савдо ва маиший хизмат комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **Э. А. Ризаев** Уй-жой коммунал хўжалиги комиссиясининг аъзоси қилиб, депутат **Г. Г. Неклесса** Ёшлар ишлари бўйича комиссиянинг аъзоси қилиб сайланди.

Депутат **М. И. Иброҳимов** Ўзбекистон ССР ҳукуматининг аъзоси этиб тайинланиши муносабати билан Ёшлар ишлари бўйича комиссиянинг аъзоси вазифасидан озод қилинди. Депутат **Е. А. Айтмуротов** республика Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари қилиб тайинланиши муносабати билан Агросаноат комплекси комиссиясининг раиси вазифасидан озод этилди. Депутатлардан **С. Ғаниева, Н. В. Ким, Ш. Х. Қосимов**ларнинг илтимосига биноан улар Хотин-қизлар меҳнати ва турмуши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари комиссиясининг, Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг, Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот комиссиясининг раислари вазифаларидан озод этилдилар.

Сўнгра депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари **Л. Ш. Бекқулбекова**нинг Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги докладини тингладилар ҳамда тегишли қонун ва қарорларни қабул қилдилар.

Шу билан ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг учинчи сессияси ўз ишини тамомлади.

# ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

5 июль куни ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг катта группасига тантанали вазиятда СССР орден ва медаллари топширилди. Улар ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун шу мукофотларга сазовор бўлдилар.

Тошкент тракторсозларининг маданият саройида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. С. Икромов юксак мукофотларни топширди.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг пардозловчиси В. М. Харитоновага Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени топширилди.

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори И. Х. Мусинга ва шу бирлашма фрезерчиси С. Юнусовга Октябрь Революцияси ордени топширилди.

(ЎзТАГ).

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ КОМПЛЕКСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети шуни қайд этадики, КПСС XXVII съездининг қарорлари, партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўли Ўзбекистон меҳнаткашлари томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди ва маъқулланди. Улар ишлаб чиқаришни интенсивлаш соҳасида белгиланган планларни амалга оширишга актив киришдилар. Меҳнат коллективлари ижодий ташаббус ва новаторлик кўрсатмоқдалар, меҳнатни ташкил этишни, техника ва технологияни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини жорий қилиш юзасидан қимматли таклифлар киритмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми, СССР Олий Советининг бешинчи сессияси, ўн иккинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириб юбориш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномаси меҳнатдаги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги активликни янада жўш урдириб юборди.

Республика давлат ҳокимияти олий органининг ушбу сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган плани эндиликда Ўзбекистон ССР Қонунига айланди. Унда экономика ва социал соҳадаги чуқур ўзгаришларнинг, ғоят йирик илмий-техникавий ва хўжалик вазифаларини рўёбга чиқаришнинг, интенсивлаш ва самарадорлик сари туб бурилишнинг конкрет программаси белгилаб берилган. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, республика халқ депутатлари маҳаллий Советлари, министрликлари ва идораларининг асосий вазифаси — ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш негизида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришдан, беш йиллик плани топшириқларини минимал деб билиб, хўжалик қурилишининг барча участкаларида, ҳар бир тармоқ, корхона, хўжаликда уларнинг ошириб бажарилишига эришишдан иборат, деб ҳисоблансин.

Ана шу мақсадда социалистик мусобақани, омманинг ташаббускорлигини бутун чоралар билан авж олдириш асосида фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ишлаб турган корхоналарни техника билан тубдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялаш, ресурсларни тежаш сиёсатини амалга ошириш, меҳнатни ва бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш, давлат, план, меҳнат интизомини изчиллик билан мустаҳкамлаб бориш, инсон омилининг ролини ошириш ҳисобига экономикани интенсивлашнинг қўшимча ички резервлари қидириб топилсин.

2. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика министрликлари, давлат комитетлари ва идораларига, бирлашмалар ва корхоналарга қуйидагилар топширилсин:

— уларнинг кундалик фаолиятларида меҳнат коллективларининг куч-ғайратларини беш йиллик план топшириқларини бажариш ва ошириб бажаришга сафарбар этиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг тўхтовсиз ўсиб боришини таъминлаш асос қилиб олинсин;

(Давоми иккинчи бетда).

# СПОРТ—ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ

## *Москвада Холис ният ўйинларининг тантанали очилиши*

Космосдан кўз ўнгимизда пайдо бўладиган Ер планетаси — кўм-кўк, уруш учун эмас, гўзаллиги беқиёс, ҳаёт учун яратилган Она еримиз 5 июль куни Москвада, В. И. Ленин номли марказий стадионда тантанали очилган Холис ният ўйинларининг эмблемаси бўлиб қолди.

Ана шу энг йирик мусобақаларнинг «Спортдаги дўстликдан — Ер юзидаги тинчликка» шиорининг ўзида ҳам бу ўйинларнинг олижаноб руҳи акс этган. Тинчлик, дўстлик, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни мустаҳкамлаш йўлидаги Холис ният Ер юзидаги энг кучли спортчиларни бирлаштириб турибди. Улар бизнинг мамлакатимизда ҳалол курашда беллашиш, Олимпия хартиясида эълон қилинганидек, яхшироқ ва осойиштароқ тинчлик бўлишига кўмаклашиш принципларига ўзларининг садоқатларини тасдиқлаш учун келишган.

Тўпланганлар **М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, М. С. Соломенцев, Э. А. Шеварднадзе, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, С. Л. Соколов, А. П. Бирюкова, А. Ф. Добринин, В. П. Никонов, А. Н. Яковлев, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олдилар. Улар марказий минбардан жой оладилар.

Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети секретари Ким Хван бошчилигидаги КХДР партия—ҳукумат делегацияси ҳам ҳозир бўлди.

Соат 21.30. Майдон узра Кремль курантларининг жаранги янграйди. Бу жаранг фанфараларнинг тиниқ оҳангига — Холис ният ўйинларининг чақириғига уланиб кетиб, ёшлик, гўзаллик, куч ва дўстлик байрами бошланганлигидан хабар беради. Нигоҳимизда мусобақаларнинг мафтункор образи ҳам гавдаланди: бадиий фон ўрнашган шарқий трибунада тинчликнинг зайтун бутоғи гуллаб турибди. Худди дўстлик қасамёдидек, экранда турли қитъалар ва турли халқларга мансуб бўлган спортчиларнинг қўли туташди. Москвада, Таллинда ва Ригада

(Давоми тўртинчи бетда).

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ МУДДАТИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети **қарор қилади:**

Область ижроия комитетининг 1986 йил 16 июндаги қарори ўзгартирилиб, ўн тўққизинчи чақириқ халқ депутатлари область Советининг саккизинчи сессияси 1986 йил 19 июль шанба куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ижроия комитет раиси П. АБДУРАҲМОНОВ.**

**Ижроия комитет секретари А. МАНСУРОВ.**

Тошкент шаҳри,
1986 йил 7 июль.

